

# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 175 (10.480) / 2005 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРЬ

Янги ўқув йили бошланди

## ПРЕЗИДЕНТ СОВФАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

2 сентябрь куни юртимиздаги барча таълим муассасаларида янги - 2005-2006 ўқув йили бошланиши муносабати билан биринчи кўнғирок садолари янгради. Бу кун нафақат билимга чанқоқ, орзулари улкан ёшларимиз, балки фарзанди камолотини кўриш истагидаги ота-оналар, меҳридарё устозлар, ғамхўр мураббийлар учун ҳам ўзига хос байрамга айланди.

Пойтахтимиздаги 207-мактаб жамоаси янги ўқув йилини қайта реконструкция қилинган, кўёфаси таниб бўлмагс даражада ўзгарган бинода кутиб олди.

Ҳар бир мамлакат тараққиётида таълим-тарбия катта ўрин тутди. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани бежиз эмас. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз самараси-

ни бермоқда.

Ушбу ҳужжатнинг мантқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида янги таълим масканлари бунёд этиш, мавжудларини тубдан қайта таъмирлаш, таълим сифати ва маъмунини ошириш, мактабларни энг замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш, ўқувчилар меҳнатини рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантиришдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Дастурга кўра, фақат шу йилнинг ўзида юртимизда эллиқдан

зиёд янги мактаб қад ростлади, мингга яқин таълим даргоҳи капитал реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланди. Замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар, техник воситалар билан таъминланди.

Орзиқиб қутилган илк кўнғирок чалинган кун, юртимиздаги барча таълим масканларида бўлгани каби, янги кўёфас касб этган 207-мактабда ҳам ўқув Мустақиллик дарсидан бошланди. Ватанимизнинг шонли тарихи, истиқлолимиз берган саодат, халқимиз амалга ошираётган буюк бунёдкорлик иш-

лари ҳақидаги ҳикоялар ўқувчилар қалби ва онгига чуқур сингишига шубҳа йўқ.

Мамлакатимизда мактаб остонасига биринчи марта қадам қўйган 523 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси учун янги ўқув йилининг бошланиши эса кўш тантананага айланди. Аёнанага кўра, уларнинг барчасига мамлакатимиз Президенти совғалари — ўқув қуроллари, дарсликлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири  
Алишер РИХСИЕВ (ЎЗА)  
олган сурат.



**XXI сақоси**  
Барча навбалардан  
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАХБАРЛАРИДАН САМИМИЙ КУТЛОВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

• **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бу йил қабул қилинган тингловчиларнинг тантанали қасамёд қилиш маросими ўтказилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтда ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

• **Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодийналарига арафасида «Ўзбекенгилсановат» компанияси таркибига кирувчи тўқимачиликка ихтисослашган 6 та янги корхона ишга туширилди. Тошкентнинг Қоратош мавзесида Швейцариянинг «Зеромакс» фирмаси томонидан ташкил этилган «Мурувваттекс» чет эл шўба корхонаси шулар жумласидан бўлиб, унинг йиллик қуввати 2,5 миллион донга тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган.**

• **Навоий вилоятида деярли унутилаёзган удум ва тотли қовунларимиз навини тиклаш йўлидаги ишлар якунини сарҳисоб қилиш мақсадида қовун сайли ўтказилди.**

• **Анджон шаҳридаги 5,24, Избосқандаги 11, Марҳаматдаги 40, Андижон туманидаги 10, 19-мактабларнинг ўқувчилари янги ўқув йилини тўла таъмирдан чиққан кўркам қосоналарнинг кенг ва ёруғ хоналарида кутиб олдилар.**

Жаҳонда

• **Ўтган 3 кун давомида Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги 1-мактабда рўй берган террорчилик ҳаракатлари қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтди.**

• **Америка сенати ўзининг навбатдан ташқари йиғилишида «Катрин» тўғрисида келтирилган зарарни қоплаш учун 10,5 миллиард доллар ажратди.**

• **Миср пойтахти Қохирадан 460 километр узоқликда жойлашган автомагистралда ҳаракатланаётган автобуснинг йўл ёқасидаги жарга қулаб тушиши натижасида 5 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 7 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олган.**

• **Кеча Москвада Шаҳар кўни байрами бўлиб ўтди. Оммавий байрам 6 соатлик гала-концертдан сўнг улкан мушакбозлик билан якунланди.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари резервга бўшатилинсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан овоз этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мотайинда Куролли Кучлар сабига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва ҳолисона тиббий кўридан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Куролли Кучлар резервга бўшатирилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгалланган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғулломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Куролли Кучлар Бирлашган штаби (В.Махмудов), ҳарбий оқрулар қўшилари кўмондонлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қурол-

ли Кучлари резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сон қарори талабларига катъиян мувофиқ равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишини, шунингдек резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервдаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларини сифатли ўзлаштириб олишига, жисмонини ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиши, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришига асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилиш, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақирилиш амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервдаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Куролли Кучлар резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 2 сентябрь




Теннис

БУГУН шаҳримиздаги «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуасида теннис бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

### ТОШКЕНТ — ҚИТЪА ЎЙИНЛАРИ МЕЗБОНИ

Эслатиб ўтамиз, Тошкент қитъа ўйинларига иккинчи муддатта - 2007 йилгача меzonлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган. Осиё теннис федерациясининг бундай қарорга келишига жиддий сабаблар бор, албатта. Бунда биринчи навбатда Ўзбекистоннинг ITF, WTA ва АТФ таснифидаги нуфузли мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишдаги катта тажрибаси инобатга олинди, шунингдек ҳамюртларимизнинг жаҳон микёсидаги ва мамлакатларара-



ро турнирларда эришган ютуқлари ҳам катта эътиборга лойиқдир.

Ўтган 2002-2004 йилларда Тошкентда ўтказилган XXX-XXXII Осиё чемпионатларида ўзбекистонлик спортчилар салмоқли ютуқларга эришишганди. Жумладан, 2003 йилдаги қитъа ўйинларида ғолибликни Вадим Куценко қўлга киритганди. 2003-2004 йилларда Осиё чемпиони унвонларига жувфтлиқ ўйинларида ҳамюртларимиздан Оқул Оммонмуродова Иванна Исроилова билан биргаликда ва Мурод Иноятов ҳамда Денис Истомин жувфтлиги эга бўлишганди.

Давоми 8 - бетда.



Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви томонидан эълон қилинган "Ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" ва "Маҳалла жонкуяри" республика кўрик танлови куни кеча якунланди.




**Маҳалла**

## ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Уч босқичда бўлиб ўтган ушбу танловларда ўз ишини севган, маҳалласи учун жон фидолик билан хизмат қилаётган тадбиркор, ибратли маҳалла оқсоқоллари ва жонкуярилари аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Чунончи, "Ибратли маҳалла оқсоқоли" номинацияси бўйича Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги Работикалмоқ қишлоқ фуқаролик йиғини раиси Мухиддин Солиев, "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли"



номинацияси бўйича Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманидаги "Чигатой Октепа" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов, "Маҳалла жонкуяри" номинацияси бўйича Сурхондарё вилояти, Жаркўрган туманидаги "Жойхун" маҳалласи фаоли Феруза Холмирзаевалар биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Шунингдек, жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови ҳам эълон қилиниб, унда юртимиздаги фуқаролар йиғинларида мамлакатимиз Президентининг Фармони асосида жорий этилган лавозимда ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган маслаҳатчиларни аниқлаш ва уларнинг илғор тажрибаларини омма-лаштириш

каби хайрли мақсадлар кўзланган эди. Айни кунларда кўрик-танловнинг шаҳар, туман ва вилоятлар босқичлари якунланиб, республика босқичи фолиблари ҳам аниқланди. Маслаҳатчи лавозими тизимда янгилик экани ва уларнинг фаолияти моҳиятини кенг оммага етказиши, уларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бир вилоят босқичининг фолиби республика фолиби деб эълон қилинди. Танлов фолиблари сафидан ўрин олган Тошкент шаҳри Сергеи




туманидаги Жомий маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Дилором Жайдарова дил сўзларини шундай баён этди: "Азиз ва улуг байрам арафасида танлов фолиби бўлиш кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат кўшади, албатта. Маҳалламиз аҳил, турли миллат вакиллари барча ишларни маслаҳатлашиб, бир-биримизни тушуниб, ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Кутлуғ кунлар шодиёнаси хонадонларимизни ҳеч қачон тарк этмасин. Тинчлигимиз-осойишталигимиз барқарор бўлсин".

Барча танлов фолибларига диплом, Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. — Маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ишлар, бунёдкорлик юмушлари, миллий қадриятларимиз бардавонлиги такомиллашиб, янада ривожланиб бораверади, — деди тадбирда сўз олган Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоёбоев. — Обод ва озод юрт равнақиға ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз, фарзандлик фарзимиздир. Маҳаллаларимизнинг гуллаб-яшнашига узининг муносиб улушини қўшаётган ҳамюртларимиз, жонкуяр оқсоқолларимиз ва фаолларимиз сафининг кўпайишини тилаб қоламан.

**Азиза МУХАМЕДОВА**  
СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов фолибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар



### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Мексика 2006 йилда бўладиган президент сайловиға 1,2 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. Бу режани Федерал сайлов ташкилоти ҳам маъқуллади. Бирок бу режа аҳоли томонидан қаттиқ танқид остига олинмоқда. Негаки, ушбу маблағ рекорд даражада кўп бўлиб, 2000 йил сайловларида мазкур иш учун сарфланган маблағ 760 миллион долларни ташкил этган холос.

● АҚШга катта хавф солаётган "Катрин" тўфони мамлакат нефть саноатиға ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Нью-Йорк товар хом ашё биржаларида бир баррел нефть баҳоси 70,8 долларға етган. Мутахассисларнинг фикриға кўра, АҚШнинг айрим штатлариға яқинлашиб келаётган довул нефть саноатиға катта зиён етказиши мумкин.

● Зальцбургда музейдан номаълум кимсалар Вольфганг Амадей Моцартнинг буй баравар нусхаси қалласини ўғирлаб кетишди. Ўғирлик музейнинг кечқурунги ёпилиши ва эр талаби очилиши оралиғида содир этилган деб тахмин қилинмоқда. Моцартнинг мумдан ясалган боши 18427 долларға баҳоланди, аммо музей ходимларининг таъкидлашича, у ўта ноёб.

● Мексика ҳукумати АҚШ чегараси яқинидаги чоғроқ бир шаҳарчани бульдозерлар ёрдамида текислаб ташламоқчи. Америкаликларнинг таъкидлашича, мазкур аҳоли пункти АҚШга ноқонуний мухожирларни жўнатиш марказларидан биридир. Шаҳарчани йўқ қилиш ҳақидаги қарор Американин Нью-Мексико ва Мексиканин Чихуауа штатлари губернаторлари учрашувида қабул қилинди.

● Финляндия шимолда парранда гриппи хуружи қайд этилди. Мазкур ҳодиса туфайли мамлакат миллий боғларидан бирида кўпглаб балиқчи қушлар нобуд бўлди. Финляндия қишлоқ ҳўжалик вазирлиғи мутахассислари ва ветеринарлар вируснинг тури ҳамда унинг инсон саломатлиғи учун қанчалар хавфлилигини аниқлаш билан машғуллар.

● Флорида университети ихтирочилари учувчисиз мўъжаз самолётлар учун планернинг янги чизмасини ишлаб чиқишди. Қанот шакли ўзгартирилган янги тизим парвоз ва кескин бурлиқлар чоғидаги учуш хусусиятларини яхшилаш имконини беради. Ихтирочиларнинг бу чизмани ишлаб чиқишиға парвоз талабига қараб шакли ўзгарувчи чайка қаноти илҳомлангирди.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

**Алоқа**

## МУҲИМ ТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Шаҳримиз аҳолисига телефон алоқа хизмати кўрсатиш янада яхшилаш борасида кенг кўламли техник тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали мутахассисла-

рининг бу соҳадаги изланишлари ҳам кутилган натижани бермоқда.

Телефон алоқасини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш жараёнлари ҳам муваффақиятли тугалланди. Айниқса, «Си-

менс АТ» коммутиация қурилмаларини ўрнатиш ишлари сифатли кечди.

Бугунги кунда рақамли коммутиация қурилмалари бўйича монтаж ишлари давом этмоқда.

**Ақбар АЛИЕВ**

**Тадбирлар**

## ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Бугун Истиқлолнинг нурафшон кунларидан, дориломон ҳаётимиздан мамнуният ҳис этамиз. Чунки юрт тинчлиги ҳамма даврларда ҳам энг улуг, энг азиз неъмат, бахт ва шодлик муждаси сифатида эътироф этиб келинган. Бинобарин, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиғига бағишлаб Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан она-Ватанимиз осойишталиги посбонлари ҳисобланган Куролли Кучларимиз қисмларида, турли давлат ва жамоат ташкилотларида «Миллий армия» — Ватанимиз тинчлигининг мустаҳкам қафолатидир» мавзуидаги тадбирларнинг ўтказилаётгани эътиборга лойиқдир.

Куни кеча «Ватанпарвар» ташкилоти Яққасарой туман бўлимида ўтказилган икки авлод учрашуви ҳам айнан шу мавзу доирасида бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан «Ватанпарвар» ташкилоти Яққасарой туман кенгаши раиси, полковник Мақсудхўжа Дадахўжаев, ўқув-спорт техник клуби раҳбари Хусан Ҳакимов, II жаҳон уруши фахрийси Собиржон Охунжонов ва бошқа бир қатор уруш қатнашчилари Истиқлол шодиёнаси Энг улуг, энг азиз байрам эканлиги, ўзбек халқининг бугунги тинч, тотув ҳаёти учун қанчалуб фидойи инсонлар ҳаётини қурбон қилганлиги ҳусусида учрашув қатнашчиларига гапириб бердилар.

— Бугунги ҳаётимиз, озодлик ва эрк байрами нишонлишини ўз кўзимиз билан кўриш бизнинг тенгдошларимизнинг аксариятиға насиб этгани йўқ, — дейди биз билан суҳбатда истеъфодаги генерал Собиржон Охунжонов. — Уруш жангоҳларида жон олиб жон берган чоғларимизда серкўёш Ўзбекистонимизнинг эртанги куни доимо кўз олдимизда турган. Учрашувда қатнашган туман мактаблари ўқувчилари, маҳалла фаоллари катта ҳаётий тажриба эгалари бўлган кекса авлод вакилларидан истиқболи тобора мустаҳкамланиб бораётган юртимиз ҳақидаги ибратли мулоҳазалардан баҳраманд бўлдилар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Кўсқара**

● **КЕЧА** Учтепа туманида бунёд этилган 63-мактаб биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туман меҳнат бўлими ташаббуси билан Мустақиллик айёмига бағишланган концерт томошаси ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКISTON** Фанлар академиясининг М.Урозраев номидаги Меҳаника ва иншоотлар сеи-смик мустаҳкамлиги институтида «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан «Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон» мавзуида ўтказилган тадбир Мустақиллик айёмининг 14 йиллиғига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиғи Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Саховат

МЕҲР ТАФТИДАН ДИЛЛАР  
ЯЙРАДИ

Азал-азалдан халқимизда қутлуг байрамларни муносиб тўхта билан қутиб олиш аънаанага айланган. Кимдир беминнат савоб ишларга бош бўлса яна кимдир хайрли ният билан уй қурган, кўприк солган, теварак-атрофни ортастлар ободончилик юмушига ўзининг ҳиссасини қўшган.

Миллий қадриятларимизни давом эттирган Сергели туман ҳокимлиги ва туман "Нуроний" жамғармаси фаоллари ҳам айни улуг айём кунларида кишилар кўнглини кўтариш, ёрдамга муҳтожларга моддий ёрдам бериш, ўсиб келаётган жажжи болажонлар қалбини қувончга тўлдириб эзгу ният билан ҳар йили аънавий тарзда тадбир ўтказиб келади.

Яъни, улар тумандаги 33 та маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини элга катта ош бериб ўтказиб берадилар. Қуни кеча ана шу тадбирнинг навбатдагиси тумандаги "Бахт уйи" тўйхонасида шоду хуррамлик билан ўтказилди.

"Тўйларингиз муборак, азиз болажонлар" деб номланган ушбу тадбирда сўз олган туман ҳокими Муталлиб Абдуллаев, туман "Нуроний" жамғармаси раиси Баҳодир Курбанов ва бошқалар барча йиғилганларни улуг ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги билан муборакбод этиб, тинчликнинг қадрига етиш, соғлом, маънан етук авлодгина эртанимизга муносиб ворис бўла олиши ҳақида, шунингдек Президентимиз бошчилигидаги изчил ислохотлар ечимида ҳамма яқд бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритдилар.

220 нафар қичкинтойлар, ота-оналар, ту-

ман фаоллари иштирокидаги ушбу тадбир ниятда серзавқ қувончу шодликка тўлиқ, барча диллар яйраган, ширин сўздан кўнгили кўтарилган, санъаткорлар ижросида мумтоз наволар янграган ҳолда бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида туман ободонлаштириш бошқармасининг 150 нафардан ортиқ ободонлаштириш юмушларига муносиб ҳисса қўшган ишчи-аёллари ҳам тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

— Бугунги тўй меҳр тафти, ширин сўз, иззат-икром, эътибор кўрсатишдан шоду хуррам болажонлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, — дейди биз билан сўхбатда туман "Нуроний" жамғармаси раиси Баҳодир Курбанов. — Бугунги тадбирда ҳар бир болага кийим-кечак совға қилдик. Улар севган Соат Шарипов каби қатор хонандаларни таклиф қилиб байрамни муносиб нишонладик. Туман ҳокими бошчилигида бундай тадбирларни кўплаб ўтказиб келмоқдамиз. Ниятимиз туманимизни энг обод ва ората масканга айлантириш, фарзандларни эса соғлом ва бақувват, юрт ривожига ҳисса қўшадиган қилиб вояга етказишдир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
**СУРАТДА:** Сергели туманидаги "Бахт уйи"да бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



## Тиббиёт

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА  
АСОСИДА

Пойтахтимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиши янада яхшилаш йўлида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Биргина Бектемир туманида инсон саломатлигини тиклаш ва муҳофиза қилиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Яқинда туман аҳолиси яна бир шифохонага эга бўлди. 525 нафар бемор даволанадиган бу саломатлик маскани замонавий лойиҳа асосида бунёд этилди.

Ҳозир бу ерда фаолият кўрсатаётган бўлим, тиббиёт хоналари, лабораториялар турли аппарат ва техник жиҳозлар билан таъминланди.

Четдан олиб келинган тиббий асбоб-ускуналар ҳам муолажаларни янада сифатли ташкил этиш имконини бермоқда.

## Саҳна

## ҚУВНОҚ СПЕКТАКЛАР

Тошкент Давлат мусиқали комедия театри репертуари янги қувноқ спектакллар билан бойиб бормоқда. Театрнинг бу йилги ижодий мавсумида бир йўла тўртта оперетта сахна юзини кўрди. Шуниси муҳими, ана шу постановкалар мусиқали таниқли ўзбек бастакорлари томонидан ёзилди.

Истеъодли бастакор Алишер Икромовнинг «Холажон, мен уйланаман» опереттасига ёзган мусиқаси ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Истеъодли ёш бастакор Улуғбек Солиҳов ижод қилган янги мусиқалар «Шарқ афсонаси» спектакли учун асос бўлди. Изланувчан бу санъаткор яна бир постановка мусиқаси устида иш олиб борди. «Биндожник ва шох» деб номланган бу постановка яқинда театр репертуаридан ўрин олди.

Ақбар АЛИЕВ

Бундан бир аср илгари Тошкент шаҳрини телефонлаштириш ишлари бошланган эди. Ушанда пойтахтимиздаги дастлабки телефон станцияси ҳам ишга тушган эди.

ХАЙРЛИ  
ЎЗГАРИШЛАР

"Сименс ва Гальске" фирмалари ёрдамида бунёд этилган мазкур станция бор-йўли 300 та телефон тармоғини ташкил этганди. Дастлабки телефон аппаратлари асосан шаҳар Думасига ўрнатилганди.

Бугунги кунда эса шаҳримиз аҳолисига 550 мингта рақамга эга бўлган телефон тармоғи хизмат қилмоқда. Бу эса ҳар юз аҳолининг 25 тасига тўғри келмоқда. Эндиликда абонентларнинг кўпчилиги компьютердан фойдаланиб, телефонда гаплашиш имконига эга. Ахборот тизимлари эса 84 та телефон станциясини ўз ичига олган. Узокдан туриб сўзлашари, Интернет тармоғидан фойдаланиш учун қулайликлар муҳайё қилинмоқда.

Шаҳардаги кўнгина телефон тармоқлари электрон рақамли автомат телефон станциялари хизматиға ўтказилди.

Анвар ВАЛИЕВ

## Муқозага, муқозага

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР  
РАҚАМЛАР НЕГА НОТЕКИС?

Ҳурматли таҳририят, мени бир нарса кўпдан бери ўйлантиради, у ҳам бўлса, баъзи даҳа ва мавзелада жойлашган кўп қаватли уйларнинг рақамлари бир текис қўйилмаганлиги. Масалан айтайлик, сиз 19- рақамли уйни кидирасиз. Шу рақамга яқин уйлар бор. Лекин сиз кидирган уй йўқ. Қизиғи шундаки, ҳатто шу ерда истиқомат қилаётган аҳоли ҳам ўзи турган уй билан ёнма ён жойлашган уйнинг рақамини кўпинча айтиб беролмайди. Рақамларнинг бу қадар нотекис жойлашуви ўша мавзегга биринчи марта тўй-туркунга ёки меҳмонга келаётганларни анча овора қилиб қўяди. Айниқса машинада бўлсангиз оралиқ уйларга киролмай, у кўча билан бу кўчани айланганингиз айланган.

Яқинда ўзимиз билан шундай воқеа содир бўлди. Сергелида турувчи қариндошимизниқига ўғил тўйини нишонлагани бордик. Лекин у яшаётган уйни истаб толганимизча ярим соатдан ортиқроқ вақт йўқотдик. Қарангки, шу уйнинг орқа томонидан икки марта ўтиб кетибмиз. Лекин у айнан биз кидирган уй эканлигини пайқамабмиз. Чунки уйнинг ҳеч қарига рақам ёзилмаганди. Яқин атрофдагилардан сўраб сўраштирдик. Биров билди, биров билмади. Охири бахтимизга ўша уйда яшовчилардан бири учраб қолди. Унинг ёрдамида қариндошимизниқига бир аллозда кириб бордик. Акс ҳолда қайтиб кетишимизга тўғри келиб турганди.

— Бунча кеч қолдинглар? — деди у салом-алиқдан сўнг.  
Кидирганимизни айтдик.  
— Нимасини қидирасизлар, тўғри йўлқу? Иккинчи кўчадан чапга бурилсангиз бўлдида, — деди у қулиб.  
— Уйнинг рақами ёзилмагандан кейин биринчи келган кишига қийин эканда.

— Рақами бор эди. Ўтган йили таъмирлаш вақтида ўчиб кетибди, — деди у, шу ҳам баҳона бўлди, дегандек қилиб.  
— Шу уйда қанча оила яшайди? — сўрадик биз.  
У йиланиб жавоб берди.

— Аниқ билмайману, тахминан 90 га яқин оила бўлса керак.  
— Ахир шунча оила учун шу уйнинг ҳар икки томонига келганлар учун қулай бўлсин деб уй рақамини ёзиб қўйиш нахотки қийин бўлса? Бунинг устига бу ерда маҳалла ҳам бордир ахир.  
Мезбон бу гапимиздан мулзам тортиб қизарди.

Қобил ИСОҚОВ

## БУ НИМА, МАНМАНЛИКМИ?

Яқинда бир тўйда бўлдим. Тўймисан-тўй. Унинг дабадбаси ўз йўлига. Бу алоҳида мавзу. Бу ҳақда гапирсам гап кўпайиб кетади. Мен фақат тўйга таклиф этилган санъаткорлар хусусида сўз юритмоқчиман.

Бир вақтлар тўйга бир гуруҳ санъаткорлар айтиларди. Улар тўйнинг бошидан охиригача ўтириб, уни чиройли ўтказиб кетишга ҳаракат қилишарди. Эндичи? Бай-бай, уларнинг "болалаб" кетгани. Тўйга келиб-кетаётган хонандаю машқолларнинг чеки йўқ. Келиб уч-тўртта ашула айтиб кетишаверарди. Унинг кетидан худди вақтини келишиб олгандек, бошқа гуруҳ кириб келаверарди. Тўйга махсус айтилган санъаткорлар гуруҳи эса ҳозирги тилда "дежурний" (навбатчи) ҳисобланади. Улар ўртадаги бўшлиқни тўлдириб туришади. Зарур вақтда даврага тушишади. Бошида тўйни бошлаб, охирини яқунлаб беришади. Ахир оралиқда келиб-кетаётган номдор санъаткорлар текинга келмаётганми? Яна уларга кистирилаётган пулларни айтинг. Баян буниси ҳам қаноат қилишмайди, устидан сочишади. Кистириққа ўч санъаткорлар "давранинг яхшилигини" кўриб, шунақанги куракда турмайдиган ашулаларни айтишадики, уларнинг туб мазмуни ўзимизнинг "Воҳай бола"ни эслатади.

Уйланиб қолсан киши. Ахир баъзи юртдошларимиз кайфиятида сақланиб қолган бу манманлик қачон тугарки? Ахир бу бейбилиска сарфланаётган пуллар ноҳор оилаларга берилса бўлмайми? Бизнингча мана шу ўринда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг фаолларининг ожизлиги билиниб қоляпти. Улар ўз маҳаллаларида ўтаётган тўйларга бош-қош бўлишлари, ортиқча дабадбаозликларга йўл қўймайликлар керак. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай азиз оқшомхон?

Азиз КОДИРОВ

## ЧИРОФИНГ ЎЧМАСИН, БОЛАМ

Бу гапнинг тагида катта маъно бор. Унинг мазмуни "Йўлинг нурли, бўлсин, бахтли бўл", деган хулоса билан яқунланади. Бу гапнинг тўғри маъноси ҳам уйингни ёритиб турган чирофинг ҳеч қачон ўчмасин деган сўздан иборат. Хуллас, ҳар иккала ҳолатда ҳам бу гапнинг замирида яхши ният, ёруғлик ўз аксини топган.

Энди фараз қилинг, уйингизни ёритиб турган ёки кўчангизни нурга тўлдириб турган электр чироғи бир зум ўчиб қолса қай ҳолга тушасиз? Бунинг изоҳлаб ўтиришга ҳоҳат ҳам бўлмаса керак. Биз истиқомат қилаётган Зокир Шокиров кўчасида икки ойдирик, мана шунақа асаббузарлик давом этмоқда. Сабаби, маҳалла марказини ёритиб турган чироқ ўчганчига ҳамон ёнмайди. Балки бу ҳолатдан Юнусобод электр тармоқлари корхонасининг раҳбарлари хабардор эмасдир дерсиз. Асло ундай эмас. Маҳаллий аҳолининг талаби билан маҳалла оқсоқоли Қобил Зокиров бир неча бор бу корхонада бўлиб аҳолини истақ ва талабларини корхона мутасаддиларига билдириб, одамлар гавжум бўлган бу кўчанинг тундаги ҳолати кўпчиликни ранжитаётганини баён этди. Айниқса саҳарлаб ибодатга шошиладиган қариялар, тунги сменадан қайтадиган ишчи ва хизматчилар учун бу ердан юриш қийинчилик туғдираётганини айтди. Корхона раҳбарлари фақат "бажарамиз, шу бугун чироқ албатта ёнади", деган сўздан нарига ўтишмаяпти. Ахир ҳар қандай алдовнинг ҳам, ваъдабозликнинг ҳам чегараси бўладида. Нахотки орадан икки ой ўтса ҳамки корхона раҳбари Николай Гудков ва унинг ўринбосари ваъда беришдан чарчашмаса, уялишмаса?

Орага таҳририят аралашгач, зора бу ваъдабоз раҳбарлар ваъдадан амалий ишга ўтишса деган мақсадда "Оқшом"га мурожаат қилишга мажбур бўлдик.

Исоқ МАМАТКУЛОВ,  
Икром НУЪМОНОВ



Шарқ дурдоналари



● Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Хар кимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан яқинлик ҳамда жоду зулм боқий эмаслигини билади.

● Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдай-вермаслиги, оқил киши кўнглида хар бир ўй билан иш тутавермаслиги керак.

● Жонингни дунёга фарқ одамдай тут, гарибларни эса иззат қил.

● Кеманинг чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида хали у тинч кетаётган пайтда ўйла!

● Одамлар интиқмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бақур-мехрдан.

— Нокасларнинг мутовори эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик, — деди у.

— У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.

— Яхшилик, илм ва тўғрилик билан! — деб жавоб берди у.

— Надомат чекувчи ким? — Шошқалоқ ва ўзбилармон!

Ўзбилармон меъмор турган бинонинг девори;  
Дано пушаймонлик ичида бўлади.

— Зое ўтган умр қалта? — деб сўрадилар.

— Бировга яхшилик қила олиш мумкин бўлиб қилмаган умр! — деди у.

— Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.

— Тўғри фикр! — деди у.  
— Шижоат нима? — деб сўрадилар.

— Узр сўрай олиш! — деди у.

— Қайси хунар энг яхши? — деб сўрадилар.

— Илм хунари! — деди у.  
— Ким билан дўст бўлиш керак?

— Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!

— Ақли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.

— Олий лаганбардордан ва хасис бойдан!

● Айтди: Бирор кишининг ахлолида ўзгариш юз берса ва ҳаёт унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толесиз кишилар қилма бўрада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам берган хар бир маслаҳат тўғри йўлдан узоқ, нотўғри йўлга яқин бўлади.

● Бахтли кунларида дўстларидан алоқасини узган кишига бахтсиз кунларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

● Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхшию ёмонликдан унга нимаики етса, тангри таоллодан деб билсин, ҳою-хавасга берилмасин, ичини ҳасаддан холи тутсин, барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга нисбатан инсофсизлик қилмасин!


● Паришонлик тўрт нарсадан юз беради: биринчи — дўстларидан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан, учинчи — яхши ишлардан юз ўғришдан, тўртинчи — поқил одамларни хор тутишдан.

санаъатшунослик ҳамда мазкур соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, талабаларнинг ижодий истеъдоди ва қўбилитини хар томонлама тўлиқ юзга чиқариш учун зарур моддий-техник база ва шарт-шароит яратиш мақсади кўзда тутилган, унинг фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган вазифалар ва уларни амалга ошириш воситалари аниқ-равшан акс этган. Жамоамиз аъзоларининг вазифаси эса бор куч-ғайратни сафарбар этиб уларни баҳариш.

ларнинг санаъат арбоблари, етакчи мутахассислари билан учрашувлар, улар иштирокида тажриба алмашувлар ўтказиш, институтнинг тегишли мутахассисларининг "Ўзбекино" давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бошқа ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик ишларини кенг йўлга қўйиш лозим. Бундан нафақат институт, балки номлари келтирилган ташкилотлар ҳам манфаатдордир, чунки ёш мутахассислар ўз фаолиятларини у ерда давом эттирадилар. Институт ўқув театри республикамизда танилган, ўз спектакль ва концерт дастурларига эга бўлган яна бир санаъат муассасасига айланishi лозим. Томошабинлар унинг манзилини тез топа олишлари учун республикамизнинг етакчи театрлари баъзида ўз спектаклларини институтнинг ўқув театри сахнасида намойиш этишлари тажрибасини қўллашлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## ГЎЗАЛ ВА КЎРКАМ САНЪАТ КОШОНАСИ

Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат санаъат институти ўзининг бой тарихига эга. У 60 йиллик фаолияти давомида нималарни кўрмади... Турмуш мураккабликларига қарамай институт Марказий Осиё республикалари ва бошқа хорижий давлатлар учун театр, кино ва бошқа соҳалар бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлаб келган. Чунки бу ерда ўз касбининг фидойилари бўлган Назира Алиева, Н.Тимофеева, Сора Эшонтураева, Ҳалима Носирова, Асад Азимов, Саттор Ярашев, Тўра Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа таниқли санаъаткор ва олимлар бор куч, истеъдод, ақл-заковатларини сафарбар этиб, тинмай меҳнат қилдилар, ўз билим ва ижодий тажрибаларини бўлажак ижодкорларга улашиб, етук санаъаткорларни етиштирдилар.



Мустақиллик шарофати билан республикамизда маданият ва санаъат соҳасига муносабат мутлақо ўзгарди. Афсус улар бунинг шохиди бўла олмадилар. Республикаимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданият ва санаъат соҳасида ҳам ислохотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Хусусан республикамиз пойтахтида Мустақиллик йилларида барпо этилган Мултий академик театри, Рус драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тасвирий санаъат галереяси каби санаъат қошоналари бунинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар давлатимиз, Президентимиз томонидан юртимизда маданият ва санаъат масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралаётганидан далолатдир. Умуман олганда Юртбошимизнинг ғамхўрликлари натижасида мамлакатимизда миллий маданиятимиз равнаки, маданий мерос масаласига муносабат мутлақо ўзгарди, унинг олтин казинасидаги бойликларини қайта тиклаш ҳамда маданият ва санаъатни тараққий эттириш вазифалари қўйилди ва улар ҳозирда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат санаъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори айнан шундай ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлиб, санаъатга эътибор кун сайин ортиб бораётганидан нишонандир.

Уйлаймизки, ушбу Қарорни нафақат институт жамоаси, балки барча ижодкор ва санаъат шивандалари мамнуният билан кутиб олдилар. Зеро, мазкур Қарор нафақат институт тақдирига, балки республикадаги театр, кино, телерадио ва эстрада санаъатларининг келажагига бўлган ғамхўрлик ифодасидир. Унда санаъатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни амалга ошириш чоратadbirlари аниқлаб берилган. Зеро, санаъатга эътибор кучлигининг сабаби, унинг мустақиллик ғояси, юксак турмуш тарзини тарғиб этиши, ёшларни маънан ва жисмонан етук қилиб тарбиялаш жараёнида фаол иштироки миллат юксалиши, жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқлигидадир. Энг яхши санаъат асарлари томошабинларни ўз ортидан эргаштира олади, келажакка ишончини мустаҳкамлайди, мураккаб мавзуларни ёрқин ва яққол тимсол ва мисоллар орқали оммага етказиб беради.

Етук санаъаткор кадрларни етиштиришда кўп нарса институтимиздаги иш юритилишига боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ушбу Қарорда институт фаолиятини тубдан яхшилаш, театр санаъати, кино, телевидение,

ёш, истеъдодли кадрларни етиштиришда кўп нарса шу соҳада хизмат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, тажрибаси, билимлари савияси, маҳорати, истеъдодига боғлиқ. Шу сабабли Қарорда институт профессор-ўқитувчилари таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш долзарб вазифа сифатида қўйилган. Ушбу вазифани бажариш мақсадида институтга республикамиздаги маданият ва санаъат соҳаларининг етакчи мутахассис ва олимларни танлов йўли билан ишга тақлиф қилинмоқда, талимининг янги усул, технологиялари ва воситалари қўлланилиши, санаъат соҳасидаги сўнги йилларда тўпланган илгор тажрибалар асосида дарслик ва ўқув-методик кафедралари, бўлим ва бошқа тузилмаларини ташкил этиш, кичик кафедраларни йириклаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Иқтидорли ёш санаъаткорлар етиштириш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш, республикамиз ва бошқа давлат-

ри, санаъат соҳасига оид ўқув-ижодий жараённинг ўзига хос талабларига мос аудиториялар, ўз сахнаси ва кичик томошахонасига эга бўлган маҳорат устоналари, замонавий талаблардаги ва энг янги овоз ёзиш ва суратга олиш асбоб-ускуна, анжомлар билан жиҳозланган кино ва телестудия павильонлари шаклидаги махсус студия ҳамда ёзиш ва суратга олиш, маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган хоналар, рақс заллари, тренажерлар хонаси, ёзги спорт майдончаси ва бошқа шу қабилар барпо этилган. Бино янги ускуна, мебель ва бошқа анжомлар билан жиҳозланган.

Шубҳасиз, салобат билан қад кўтарган ушбу бино санаъатнинг ажойиб ва гўзал қошонасига айлиниб, шахримизнинг кўркига кўра қўшиши турган гап.

**Мухсин ҒАНИЕВ,**  
**Маннон Уйгур номидаги**  
**Тошкент Давлат**  
**санаъат институти**  
**биринчи проректори**



Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёналари мамлакатимизнинг барча гўшаларида қизгин нишонланди. Жумладан, пойтахтимиздаги 1-шаҳар клиник шифохонасида ҳам байрам тадбирини тиббиёт ходимлари ўзгача кўтаринки руҳда ўтказдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар Истиқлолимиз туфайли кўлга киритилган ютуқлар, тиббиёт соҳасидаги самарали ислохотлар,

шаҳримиздаги янгиланиш, бунёдкорлик ишларидан мамнун ҳолда фахрлини сўзладилар. Севимли хонандалар ижросидаги шўх ва қувноқ куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди.

**СУРАТЛАРДА:** 1-клиник шифохонасида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар. Даврон Аҳмад олган суратлар.

**Қадриятларимиз**

**МАҲАЛЛА ГУЗАРИ ҚАД РОСТЛАДИ**

“Хашар-элга ярашар” нақли бежизга айтилмаган. Азал азалдан халқимиз бирдаму ҳамкорликда катта-катта юмушларни бажарганлар, кўни-кўшнларнинг оғирини енгил қилиб, беминнат савобли ишларга бош бўлганлар.

Айни кунларда бу эзгу анъана давом этиб хашар йўли билан маҳаллалар хуснига хусн кўшувчи чиройли иморатлар, гузар, поликлиника, тўйхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Юнусобод туманидаги “Шарқ ҳақиқати” маҳалласида ҳам маҳалладошлар кўглини бир олам шодликка тўлдириб ҳар томонлама қулайликлар яратилган, замонавий жиҳозлар билан таъминланган шинам бино фойдаланишга топширилди.

Улуғ ва азиз Мустақиллик байрамимизнинг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш, “Сихат-саломатлик йили” давлат дастури ижроси йўлида қад ростлаган ушбу бино химматли тadbиркорлар ва маҳалла аҳлининг сай-ҳаракати билан бүгүнд этилди.

— “Маҳалланг-ота-онанг” деган пурҳикмат сўзлар бугун ҳаётда ўз аксини топмоқда, — дейди биз билан сўхбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Ирисметов. — Бугун фойдаланишга топширилган бино ҳам маҳалладошлар, туман ҳокимлиги, туман “Маҳалла” жамғармаси ва химматли тadbиркорлар ёрдамида, бир тану бир жон бўлиб қуриб, фойдаланишга топширилди. Мен бугун ҳормилларимиз Ҳамидулла Ҳидоятлов, Нигматилла Убайдуллаев, Фанижон Пирматов, Икром Каримов, Заъий Носиров, Жаҳонгир Каримов ва бошқаларнинг номларини алоҳида таъкидлагим келади. Ишбилармон, саҳий тadbиркорлар-

римиз бор экан халқнинг юки ерда қолмайди.

Тadbирда иштирок этган катта-ю кичикни, мезбону меҳмонларни Республика Оксоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоӣбоев кутлар экан, ҳамиша юртимиз тинч, маҳаллаларимиз бунданда обод бўлишига тилак билдирди. Иштирокчилар учун чиройли байрам дастурхони ёзилди, куй-қўшиқлар янграб кўнгилларга бир олам кўтаринчилик улашилди.

Айни вақтда маҳаллага кириб келган киши мевали дархатларнинг гуриқираб, гулу чечакларнинг қулф уриб, маҳалла идораси, поликлиника, маиший хизмат уйларининг уйғулашиб, бир-бирини тўлдириб турганига, худуд аҳлига қулай шарт-шароит яратилганига кўзи тушади. Беҳтиёр халқимизнинг



Бирдамлиги, ҳамқору ҳамдардлиги, беминнат ёрдам қўлини чўзишдек инсоний фазилатлари асло йўқолмасин деган фикр ҳаёлимиздан ўтади.

**Ўлмас НОРМАТОВ, Шахризода МУҲСИМОВА СУРАТЛАРДА:** маҳалла гузарининг очилиш маросимидан лавҳалар. Баҳодир Ҳабибов олган суратлар.

**Раи-барани**

**олам**

**МУДДАТ ЧЕКЛАНДИ**

● Аслида техникадан қанчалик узоқ муддат фойдалансанг шунча яхши. Лекин, ҳар нарсанинг ҳам муддати белгиланган бўлиши керак, деганда Хиндистон ҳукумати. Шунинг учун улар автомобиль, мотоцикл ва мотороллёр эгаларини саросимага тушириб қўйди, яъни, юк ташувчи транспортдан фойдаланиш учун 20 йил, автобус ва енгил автомобиллар учун 15, мотоцикл ва мотороллёрга 10 йиллик муддат белгиланди. Шу муддат тугаса транспорт ҳисобдан чиқарилади. Ҳозир Дехлида 700 минг юк транспорти ҳисобдан ўчирилиши керак. Демак, улар янги қонунда кўзда тутилган муддатни ўтаб бўлган.

Бу қонундан, айниқса, мотороллёр (транспортнинг бу тури Хиндистонда жуда оммалашган) эгалари қаттиқ безовта бўлмоқларда. Чунки улар битта мотороллёрдан бутун умр фойдаланишади, қолаверса авлодларига ҳам қолдиришади.

**ОРҚА ҲУРИНДИҚДА ҲАМ ТАСМА**

● Американинг йўл ҳаракати хавфсизлиги миллий бошқармаси 1990 йилдан бошлаб автомобилларнинг орқа ўриндиғидаги йўловчилар ҳам тасма тақиб ўтириши ҳақидаги қонун қучга киришини эълон қилди. Аслида автомобиль компаниялари бундай қарорни азалдан қутушган эди. Шунинг учун сўнгги моделдаги автомобилларни тасмали қилиб чиқаришни аллақачон бошлаб юборишган.

Статистика хабарларига кўра, ҳар йили орқа ўриндиқдаги 2000 йўловчи автоҳалокат натижасида ҳалок бўлар экан. Ҳалокатнинг олдини олиш учун қўрилган бу қўшимча тadbир юқоридаги рақамнинг камайишида бекиёс роль ўйнашини мутахассислар башорат қилишмоқда.

**ГОРИЛЛАНИ ҚИДИРИБ**

● Нигерияда деярли 50 йилдан буюн горилла маймуни йўқ, деб ҳисоблашарди. Зоологларнинг фикрича, одамсимон маймун бўлиши охириги гориллани овчилар 1931 йилда ўлдирган.

Лекин дунёга танилган икки олим, яъни горилла бўйича мутахассис — Сэнди Харкорт ва унинг хотини Келли Стюартнинг бу гапга ишонгани келмади ва бутун Нигерия бўйлаб горилла қидиришга жўнашди. Бунга қарангки, олти ҳафталик йўл юришигандан сўнг Камерун чегараси яқинидаги Каньян тоғида ўрмонда гориллалар изини, яшаш жойларини топишди. Уларнинг фикрича, у ерда атиги 100 та маймун бор, холос. Эндилқда олимлар одамлар таъқибидан қочиб тропик ўрмонларга кетиб қолган санокли маймуларни ва улар авлодини асраб қолишмоқчи.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси жамоаси кўмита қoшидаги “Олимпиада” уюшмаси раиси Хотима Шайховага ўғли **Илҳом ШАЙХОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия ихзор этди.

**КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙГАН — КАМ БЎЛМАЙДИ**

Меҳнатни саодатнинг қалити деб билиш, касбининг сир-асрорларини пухта ўрганиб, инсонларнинг ҳурматини қозониб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишни донишмандлар бахтга етишиш деб таърифлаганлар. “Дарахт бир жойда кўради” дейишганидек, касбга садоқат билан ёндошиб, меҳрмуҳаббат билан ишлаган инсон кўзланган мақсадига етади.

Савдо, умумий овқатланиш соҳасида харидорларга одобли муомаласи, юксак савдо маданияти, касб маҳорати билан 33 йил хизмат қилиб, устозлик даражасига эришган Лаълихон Аҳророва ҳақида устозлари, ҳамкасбларининг самимий дил сўзларини эшитган киши мамнун бўлади. — “Лаълихон Аҳроровани ёшлигидан биламан” - дейди савдо, умумий овқатланиш соҳасининг меҳнат фахрийлари Абдуҳамид ака Содиков. — Лаълихон танлаган савдо, умумий овқатланиш соҳаси машаққатли, зарғорона меҳнатни талаб қилишини чўқур англаган ҳолда ишга киришиб қийинчиликларни енгиб, касбининг етук соҳибасига айланди.

Бу айтишгагина осон. Чунки, бу касбни енгил-өлпи иш деб тушуниб, кейинчалик элполмай ташлаб кетаятганлар йўқ эмас. Чиройли муомалани билмаган, касбининг сир-асрорини ўрганмаган, дангаса, нокамтар кишилар бу соҳада ишлаб олмайдилар. Лаълихон Аҳророва ёшлигидан каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатди. Бир сўзли, қатъиятли, рост гапирувчи, камтар, ажойиб ҳодима, бахтли хонадон соҳибаси бўлган, шундай шогирдим борлигидан фахрланаман.

— Умумий овқатланишда ҳўрандаги ширин муомала, сифатли таом, нарх-наво инсоф билан қўйилса иш юришади, ошхона эл назарига тушиб, гавжум бўлади, барака киради. Бунга зинҳор унутмаслик керак”, — дейди биз билан сўхбатда Лаълихон Аҳророва.

Собик шўро тузуми даврида бепасандлик билан муносабатда бўлиган ушбу соҳага заррада қуёш акс этганидек, Мустақиллик офтобининг нурлари тушиб, тармоқ меҳнатқашлари қадр топа бошлади, қўли гул ошлазлар халқаро миқёсдаги танловларда, кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек пазандчилиги нақадар катта имкониятларга эга эканлигини намойиш этмоқдалар, лаззатли таомлар, санъаторона юксак дид билан безатилган дастурхон билан муносиб ҳурмат-эътибор қозонмоқдалар.

Лаълихон Аҳророванинг қўли гул шогирдларидан Шоҳайит Одилов келажаги порлоқ ёшлардан бўлиб, Японияда ўтаётган дунёнинг 154 мамлақати иштирок этаётган «Экспо-2005» кўргазмасида Ўзбекистон павильонидаги миллий чойхонада миллий таомларимиз билан меҳмонларни хушнуд этиб, ўзбек пазандчилигининг доврўғини жаҳонга ёйишда ўз улушини қўшмоқда. Бундай ютуқлар билан устоз ҳақли равишда қувонади, фахрланади.

Халқимиз назарида бўлишидек бахт-саодат Лаълихон Аҳророва каби ўз касбининг устаси, камтарин, меҳнатсевар инсонларга ҳамроҳ бўлишига тилакдошимиз.

**Бахтиёр ДЎСТҲУЖАЕВ,** Кичик бизнес, матбубот кооперацияси, савдо ва хусусий тadbиркорлик ходимлари касабга уюшмаси шаҳар Кенгашининг маъсул ходими

**Мунажжим башорати**

**РЕЖАЛАРИНГИЗ АМАЛГА ОШАДИ**

**6 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА**

Мунажжимларимизнинг билдиришларича, бугун ўйлаб қўйган яхши гоъяларингиз ва режаларингизга “яшил чирок” берилди. Шунинг учун ҳам сиз бошқаларнинг, фикридан қатъи назар режаларингиз, ўйлаб қўйган иходий излашилларингиз натижаларини рўёбга чиқаришга қодир бўласиз.

Ҳозир интеллект ва биллилар сайёраси Меркурийнинг сеҳр сайёраси Плутон билан ўзаро қувватларини боғловчи иходий эркинликнинг астрологик жабҳалари шундан далолат беради. Айни пайтда ҳозир қўйилган қадимлар оқибатлари жуда ёрқин бўлиб, бугун қабул қилинган қарорлар учун маъсулият юки тўлалигича жорий этилаётган янгиликлар ташаббуслари зиммасига тушади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бугун яққа-яққа шахслар учун омадли кун бўлиб, жамоавий ишларга унчалик

тўғри келмайди. Кўпчилик билан фақат нималаридир байрам қилиш, ўйин-қулги, хурсандчилик қилиш мумкин. Шунингдек кам гапириб, кўп эшитган маъқул, дея маслаҳат беришда мунажжимлар бугунга.

Тасодифан ўчиб қолган чирок ёки олов нохушлик аломати ҳисобланади. Тирноқнинг синиши ва уст-бошининг йиртилиши ҳам яхши эмас.

**БУГУН:** — ҳар қандай ишни бошлайверинг; — йўқолган буюмларингиз ва жониворларингизни

излашга киришинг; — уйингизни тартибга келтириш, енгил таъмирлаш ишларини бажариш, сув қувурлари ва сантехникани созлашни бошлаб юборинг;

— ҳўжалик ва молиявий муаммоларни ҳал этиш; — вақтни тўғри тақсимлаш, имкон қадар кўпроқ ишни уудалашга интилиш; — сўйган кишиларингизга гамхўрлик қилиш тавсия этилади. Худбинлик, манманликка берилиш, турли оғриқларга айнқса буйрақлар ва қулоқ оғриқларига бепарво бўлишдан сақланг.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**“ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ” ОАЖ**

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 09**

Умумий мажлис тури: Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси.

Навбатдан ташқари умумий мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 24 август.

Навбатдан ташқари умумий мажлис манзили: Жамият маъмурий биноси.

Навбатдан ташқари умумий мажлисда қатнашганлар: 470238 овозга эга 18 акциядор.

Кворум даражаси: 85,5%

Умумий мажлиси кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

1. Жамиятнинг 2005 йилги иш-режа (бизнес-режа)си 470238 овоз билан тасдиқланди.

2. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 470238 овоз билан тасдиқланди.

**ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 10**

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркиби 470238 овоз билан маъқулланди. Иноятов А.М., Ҳакимов Р., Исмадияров У.Х., Асиров Ю., Шокиров Д.

Футбол

ХОРИЖГА ЙЎЛ ОЛИШАДИ

Ёз ойларида асосан миллий биринчилигимиз бахсларида банд бўлган ҳакамларимизга яна ишонч билдирилмоқда.

Гап шундаки, 14 сентябрда Бирлашган Араб Амирликларида Осиё чемпионлар лигаси чорак финалининг БААнинг «Ал-Айн» ҳамда Эроннинг «Пас» жамоалари ўртасидаги учрашуви бўлиб ўтади. Ушбу беллашувга ҳамюртимиз, иктидорли ҳакам Равшан Эрматов бош ҳакамлик қилса, Арслон Хотамов ва Александр Попов ёрдамчи вазифасини бажаришади.

Шунингдек, нафақат юртимизда, балки Осиёда ҳам ҳурматга сазовор бўлган ҳамюртимиз Сардор Нажафалиев ҳам 14 сентябрда Иорданияда бўлиб ўтадиган Осиё Кубоги чорак финалининг Иорданиянинг «Ал-Файсали» ва Сингапурнинг «Тангенес Ровере» жамоалари баҳсига комиссарлик қилади. Дарвоқе, иктидорли ҳакамларимиздан Алишер Мўминов ҳам халқаро миқёсдаги турнирларга назоратчилик қилиш учун Ливан давлатига йўл олади.

ЎСМИРЛАР ЖАМОАМИЗ — ЯПОНИЯДА

Миллионлар ўйини — футболни ёшлар ва ўсмирлар орасида оммалаштириш борасида бажарилаётган ишлар албатта бир кун келиб ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Доимий равишда ўқув-йигин машғулотларини шахримиздаги «Чигатой» спорт мажмуаси майдонида ўтказадиган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси қисқа муддатли таътилдан сўнг Японияга йўл олди. Халқаро мусобақаларга жиддий ҳозирлик қўраётган ўсмирларимиз Японияда ўқув-йигин машғулотларида иштирок этишда ҳамда япониялик тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувларида куч синашишади.

«ПАХТАКОР»ГА ҚАРШИ ТЎП СУРИШДИ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси яна ўқув-машғулот йигинларида қатнаша бошлади.

Англиялик мутахассис Тоал Колин бош мураббийлигида халқаро мусобақаларга тайёрланаётган ёшлар терма жамоаси таркибиде кичик ўзгариш содир бўлди. Терма жамоанинг солиб аззолари Юрий Попандерево ва Фарход Усмоновлар яна таркибга киритилди. Дарвоқе, машғулотлар давомида назорат учрашувлари ўтказишни режалаштирган ёшлар терма жамоамиз КЕЧА «Пахтакор» жамоаси билан куч синашган бўлса, чоршанба кuni «Машъал» футболчилари билан беллашади.

(Ўз мухбиримиз)

Давоми. Боши 1-бетда.

Бу йилги XXXIII-Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини 16 нафар спортчиларимиз ҳимоя қилишга шай бўлдилар. Улар орасида Оқул Омонмуродова (WTA тасвифидagi рейтингини -232), Ирода Тулганова (371), Иванна Исроилова (662), Денис Истомин (196), Акмал Шарипов (798), Мурод Иноятлов (429) каби теннисчилар бор. Мазкур турнирда яна бир бор ўз имкониятларини сиёб кўриш истагида Олег Огородов ҳам қатнашмоқда. Мавлукми, у бир неча йилдан бери мураббийлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

2002 йилдаги чемпионлик мавқеини тиклаб олиш мақсадида, Осиё турнирига япониялик теннисчи Гоичи Мотомура ҳам келган. Қим билан, вазият шунки тақозо этса, балки бу сафар ҳам Роҳан Бопанна (Ҳиндистон) унинг рақибига айланishi мумкин. 2002 йилда Осиё чемпиони унвонини қўлга киритиш учун Буикала спортчи финалда беллашилганди.

Козовистонлик Алексей Кедрюк ҳам бизнинг теннис ихлосмандларимизда кўзичарли ва кескин ўйинлари билан яхши таассурот қолдирган. Жумладан, 2003 йилдаги турнирда Кедрюк ҳамюртимиз Вадиум Куенко билан Австралия оқиқ чемпионатига йўланмани қўлга киритиш учун финалда ронга беллашганди, лекин омади чоғланганди.

Бинобарин, бу йилги Осиё чемпионати қатнашчилари таркиби анча салмоқли. Осиё кўпчилигини 16 та давлати чемпионатга ўз миллий жамоаларининг энг сара — жаҳон теннисида катта кўрсаткичларга эга спортчиларини юборган.

Дарвоқе, Осиё чемпионати нинг нфузи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу тоғрадаги мусобақаларда спортчилар рейтинг очколарини қўлга киритиш

учун иштирок этмайди. Осиё чемпионатининг бошқа турнирлардан устулиги шундаки, аёллар ва эркеклар ўртасидаги яқза беллашувлар голиблири «Катта дубулга» туркумидаги тўртта профессионал мусобақалардан бири — Австралия оқиқ чемпионатига йўланма олади.

длик Данаи Удомнок бошчилик қилиб турибди. Профессинал ўйинлар орасида бу спортчи 138-пониани эгаллаган.

Мутахассислар баҳоратиға кўра, аёллар ўртасида биринчи рақимда сараланган Шўэжи Уберои (Ҳиндистон) голиблика даъвогарлик қилиши мумкин. Жаҳон миқёсида энг кучли теннисчи аёллар ўртасида Ш. Уберои нинг ўрни ҳисобида 122-бўлиб турибди.

Мамлакатимиз аёллар жамоасига айни пайтда етакчилик қилаётган Оқул Омонмуродова турнирда туртинчи бўлиб сараланган, иккинчи давра ўйинларига у беллашувсиз чиқадди.

Саккизинчи бўлиб сараланган Ирода Тулганова эса ҳиндистонлик Илша Лаҳонни билан қортта тушди.

«Wild card» — орқали турнирда иштирок этайтган Иванна Исроилова биринчи беллашувдан қор кучини сафарбар қилиши лозим бўлади, шекилли. Унинг рақибини Ена Такаонинг (Япония) имкониятлари икки баравар кўпроқ.

Мамлакатимиз мураббийлари умидли ёшларимиздан Саитжамалова, Саидқўжаева, Ёшлиқарова, Илхетено ва Кожуринаға ҳам катта умид боғламоқдалар.

Бу йилги турнир доирасида анъанавий тарзда фахрий теннисчилар ўртасида кўрганамли турнир ҳамда болалар байрами режалаштирилган.

Ўзбекистон теннис федерациясидан олинган хабарға кўра, БУГУН Осиё теннис федерацияси директорлар кенгаши ййгилиши бўлиб ўтади ва уни илк бор ОТФнинг янги президенти Анил Канна боларбоқори.

«Тошкент теннис маркази» қортларида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати мусобақалари баҳслари билан мунтазам равишда таништириб борамиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СУРАТДА: саралаш бахсларида лаҳқа. Алишер Рихсиев (Ўза) олган сурат



ТОШКЕНТ — ҚИТЪА ЎЙИНЛАРИ МЕЗБОНИ

Кеча «Тошкент теннис маркази»да ўтказилган кўра ташлаш маросимини етакчилириға кўра, бизнинг жамоамиз ўйинчилари қўйидаги таркибда жой эгаллашди.

Турнирда иккинчи бўлиб сараланган Денис Истомин иккинчи давраға беллашувсиз чиқадди. Лекин айнан шу иккинчи давра ўйинлари унинг учун ҳал қилувчи бўлиши ҳам мумкин: Денис ҳамюрти Сарвар Икромов ёки япониялик теннисчи Сакаи билан беллашади.

Фофур Ишматов ва Акмал Шарипов (иқаласига «wild card» берилган) биринчи давра ўйинларида қортта бир-бириға қарши тушди.

«Квалифайн»да барча рақибларини осонгина енгиб, асосий турға йўланмани қўлга киритган Олег Огородова биринчи даврадаёқ яхшигина «терлашға» тўғри келади, шекилли. Унинг рақибини — турнирда еттинчи бўлиб сараланган корейлик Ох-Хи Кванонинг кучи, рейтинг кўрсаткичларига қараганда — уч баравар оқори.

Мурод Иноятлов биринчи ўйинға поккостонлик Апин Хан билан тушса, Марсель Хадидамов эронлик теннисчи Алхан Шўкуфига қарши беллашади. Важа Узоқнинг маъгазимилик Ю Минг Си билан кучи эса ҳозирча даярли тенг кўриномиз.

Эркеклар ўртасида турнир жадвалиға тайлан-

Футбол

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ МУЎЖИМ ҒАЛАБАСИ

ЁХУД КИЧИК ҲИСОБ КИФОЯ ҚИЛАРМИКАН?

2005 йил 3 сентябрь санаси футбол бўйича терма жамоамиз солномасидан зарҳал ҳарфларда ўрин олиши аниқ, Нега деганда, бундан олдинги жаҳон чемпионатлариға саралаш мусобақаларида иккинчи босқичдан нариға ўта олмаганди. Бу гал эса янгилик — плей-офф турнириға йўланмани қўлга киритишға муваффақ бўлдиқ. Бу олға ташланган навбатдаги ана бир муҳим қадам демақдир.

Шундай қилиб, Осиёнинг кучли жамоаларидан ҳисобланмиш Баҳрайн термаси билан ўтказиладиган ўйинға футболчиларимиз 27 августда бошлаб жиддий тайёргарлик кўра бошлашди. Сўнгги йигинларға барча легионерлар ва мамлакатимиз клубларида тўп сураётган энг кучли ўйинчилар жалб этилди. Энг охириги легионерлар 31 августда жамоа таркибига келиб қўшилгангани ҳисобға оладиган бўлсақ, англиялик янги бош мураббий Роберт Хоугтон бошчилигида терма жамоамиз аззоларининг тайёргарлик кўришлари учун тегишли барча имкониятлар яратилганлигини таъкидлаш жоиз.

Фақат А.Кошелев, А.Гейнрих ва Б.Ашурматовларнинг жароҳат олганликлари, Н.Ширшовнинг 2 та сарик картчокаға эға эканлиги, шунингдек турли сабабларға кўра А.Ақоянц ҳамда Ф.Давлетовларнинг терма жамоаға жалб этилмаганликларини ҳисобға оладиган бўлсақ, унинг таркибиде қолган барча кучли чарни тўп усталари жамланди.

Хал қилувчи саралаш ўйинида «Пахтакор» марказий стадиони ишқибозларға лик тўлди. Бу ҳам ўйинчиларимизнинг руҳларини кўтариш борасида муҳим омил эди.

Терма жамоамиз майдонға қўйидаги таркибда тушди: Евгений Сафонов, Владимир Радкевич, Андрей Фёдоров, Миржалол Қосимов (сардор), Арсрор Алиқулов, Сервер Желаров, Анвар Солиев, Алексей Николаев, Тимур Копадзе, Виктор Карпенко, Максим Шацкич.

Ўйин бошларидаёқ рақибларимизнинг Кувайт термасидан кўра анча кучлироқ жамоа эканлиги уларнинг ҳужум уюштиришлариға ҳимоядаги

ҳаракатларида намоён бўлди. Дас-тлабки дақиқаларда жарима тўпинида сўнг берилган хавфли зарбани Е.Сафонов қайтаришға муваффақ бўлди. Доимо 2-бўлимда майдонға тушиб, керакли голларни уришға ихтисослашган моҳир ҳужумчимиз



А.Солиевнинг бу гал ўйин бошланишидан ҳаракат қилиши албатта, ҳужумчиғимизни янада кучайтирди. Айниқса Қосимов-Солиев жуфтлигининг майдонда рақиблар дарвозасиға тез-тез хавф солиб турганини қайд этиш жоиз.

Ана шундай ҳужумларнинг бирида рақиб ҳимоячиларининг қўпол хато-тидан фойдаланган ҳолда тўпини эгаллаган Солиев ўнг қанотдан туриб уни жарима майдонда оқиқ турган М.Қосимовға аниқ узатди. Бу ёки энди «техниканинг иши» эди. Миржалол чап оёғида кучли ва аниқ зарба берган ҳолда рақиблар дарвозасига ҳеч қан-

дай имкон қолдирмади — 1:0. Биринчи бўлим ўрталарида майдонда қизиқ вазият юзаға келди. Максим Шацкичининг боши билан берган зарбасини рақиб ҳимоячиси қўли билан қайтариб юборганлиги сабабли ҳакам ҳақли равиш-

да 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Сервер Желаров дарвозани забт этди ҳам. Бирок Т.Копадзе ҳамда М.Шацкичининг рақиб жарима майдончасиға тўп тепилган пайтда кирганлиги учун бош ҳакам, пенальтини қайта тептириш ўрниға голни ҳисобламади-қўйди. Орадан кўп ўтмай Солиевнинг қулай вазиятдан берган зарбасидан сўнг тўп дарвоза тўсини устидан ўтиб кетди. Биринчи бўлим шу кичик ҳисоб билан тўтади.

Иккинчи бўлим даярли тенг кўрашлар остида ўтди. Рақибларимиз ҳам ана фаоллик кўрсатиб, бир неча



бор хавфли ҳужумлар уюштирдилар. Ҳатто охириги дақиқаларда баҳрайнлик ҳужумчининг қисқа масофадан туриб берган кучли ва аниқ зарбасини бехато ўйнаган Сафонов катта қийинчилик билан қайтаришға муваффақ бўлди.

Шу тариқа терма жамоамиз 1:0 ҳисобиде бўлса-да ғалабаға эришди. Бирок, сўнгги босқичға икки ўйин натижасиға кўра йўланма қўлга киритилишини ҳисобға олган ҳолда ҳакам хатоси билан қайта тепилмаган пенальти ёҳуд бошқа қулай вазиятлардан унумли фойдаланилмаганлиги охири-оқибатда терма жамоамизға қимматта тушмасини, деган ўйға толасан, киши. Хар нима бўлганда ҳам 7 сентябрь кuni Баҳрайнда бўлиб ўтадиган жавоб учрашувида ҳимояни мустақамлаган ҳолда ҳужумкор руҳда ҳаракат қилишға тўғри келади. Ушбу ҳал қилувчи беллашувда футболчиларимизға омад тилган ҳолда шунки эслатиб ўтаимизки, КОНКАКАФ — Шимолий Америка саралаш гуруҳида ҳам ҳал қилувчи учрашувлар бўлиб ўтди. Чунонки, ўз майдонда Мексика термасини 2:0 ҳисобиде енгган АҚШ футболчилари 21 июлдаги турнирда 18 очко жамғарган ҳолда гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, 2006 йилги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон-Баҳрайн учрашувидан лаҳлаҳлар. Сарвар Урмонов (Ўза) олган суратлар



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳаҳин — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 24% нуссада босилди. Қўпта биними А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот банкмасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға еки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мувожаат мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақциядорлик компанияси босмоқсониди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.